

## Шариатга тўғри келмайдиган гаплар ва ишлар



18:30 / 04.09.2021 4849

Бизда турли омиллар сабабли ўтган яқинларни, хусусан ота-онани йўқлаб, уларга ортларидан савоб юбориш ниятида таом пишириб, одамларни чорлаш кенг тарқалган. Ҳатто кўпчилик ўтганларга савоб бағишлаш, деганда айнан мана шу ишни тушунадиган бўлиб қолган.

Диндан узоқлашиш ва яна бошқа турли сабабларга кўра, ўтганларга атаб, «уч», «йигирма», «қирқ», «йил» ва бошқа номлар билан аталадиган маросимлар ўтказиш одатга айланган. Бу каби маросимларни ўтказишнинг ўзига хос «қоида»лари ҳам шаклланган. Уларга биноан, кун санашнинг ҳам услуби бор – маросимни тоқ кунларда қилиш шарт эмиш. Қилинадиган таомларнинг тури ҳам аниқлаб, тайинлаб қўйилган. Яна шунга ўхшаш бидъат-хурофотлар анчагина. Бу ишларда, асосан, аёллар ва

маҳаллалардаги маросимчиларнинг гапи гап бўлади. Баъзи жойларда маййитнинг дафни куни жонлиқ сўйиб, таом пиширишга киришиб кетилади. Юқорида номи айтилган маросимларнинг қилинмаслиги марҳумни хорлаш билан баробар кўрилади. Хуллас, бу борада шариатга тўғри келмайдиган гаплар ва ишлар анчагина бор.

Шунинг учун ҳам ушбу мақомда бу масалани қисқача ёритиб ўтишни маъқул топдик.

Аввало, мусийбатга учраганлар дафндан кейинги уч кун ичида бошқаларга таом қилиб беришлари макруҳдир. Мусийбатзадаларга уларнинг яқинлари ва қўшнилари таом тақдим қилишлари мустаҳабдир. Меросхўрларнинг ичида балоғатга етмаган болалар бўлса, бошқаларга таом қилиб бериш ҳаромдир.

Мазкур уч кундан кейин маййит аҳли таом қилиб, улашса, дурустлиги юзага чиқади. Аммо, шариатда «уч», «йигирма», «қирқ», «йил» ва бошқа номлар билан аталадиган маросимлар йўқ. Катта китобларда ҳам, кичикларида ҳам, арабчасида ҳам, ажамчасида ҳам бу номларнинг бирортасини топиб бўлмайди.

Китобларда «Мотам муносабати ила қилинадиган таом «вазийма» дейилади» деган гап бор, холос.

Ўша вазийманинг куни, ҳажми, унга пишириладиган таомнинг тури ва бошқа нарсалари белгиланган эмас. Бундай эҳсонни киши ўзидан, оиласидан, қарамоғидагилардан орттирганда, балоғатга етмаган болаларнинг ҳаққини аралаштирмасдан, кўнгли истаган пайтда қилиши мукин. Бунда турли бидъат-хурофотларни аралаштирмаслик шарт.

Фақиҳлар бу борадаги ҳужжат ва далилларни таҳлил қилиб, жумладан, қуйидаги хулосага келганлар:

### **Маййитга савоби етадиган нарсалар:**

Барча уламолар маййитнинг дуо, истиғфор, садақа ва ҳаж каби баданий-молиявий ибодатлардан манфаат олишига иттифоқ қилганлар.

Уламолар намоз ва Қуръон қироати каби баданий ибодатлардан маййит фойда олиши ҳақида бир оз ихтилоф қилганлар.

Ҳанафийларнинг ихтиёр қилган қавллари бўйича, қорилар қабрнинг олдида ўтириб, қироат қилсалар, бўлади. Бошқа ерлардаги қироатнинг ҳам

савоби етиши ҳақида шубҳа йўқ. Чунки Қуръон қироати бўлган ерга раҳмат ва барака нозил бўлади. Қуръон қироатидан кейинги дуонинг қабул бўлиши осон.

Ҳанбалийлар: «Қабр олдида қироат қилса бўлади», деганлар ва унга «Йаасийн»ни ўлганларга ўқиш ҳақидаги ҳадисларни далил қилганлар.

Моликийлар: «Маййитга унинг ўлиmidан кейин ва қабр олдида қироат қилиш макруҳ, чунки аввалгилар бундай қилмаган», деганлар. Аммо, уларнинг кейинги уламолари: «Қуръон қироати ва зикр қилиб, савобини маййитга бағишлаш мумкин ва бағишловчига ҳам ажр бўлади», дейишган.

Аввалги Шофеъийлар: «Маййитга ўзининг амалидан бошқа амал манфаат бермайди», деганлар. Аммо, бу мазҳабнинг кейинги уламолари масалани ўрганиб, таҳқиқ қилиб чиққач: «Ўлганларга «Фотиҳа» ва бошқа сураларнинг қироати савоби етади», деганлар. Одамлар шунга амал қилганлар.

Шундай қилиб, тўрт мазҳабнинг барчаси Қуръон қироатининг савоби ўтганларга етишига иттифоқ қилганлар.

Ўтганларни, хусусан, ота-оналарни йўқлаш, руҳларини шод қилиш ва ортларидан савоб юбориш ҳақида сўз юритилар экан, қуйидаги ҳадиси шарифни ёдга олиш зарур бўлади.

سُبْحَانَكَ يَا مَنْ جَلَّ جَلَالُهُ لَوْلَا نِعْمَتُكَ لَكُنَّا مِنَ الْخَائِبِينَ  
أَرْبَعٌ نَأْتِيَنَّكَ بِرَأْسِ الْخَبْزِ الْبُرْجِيِّ  
مُهَيَّبَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ  
دَمْحُ الْهَوْرِ. أَنْ تَبْدَأَ بِكَ

*Анас ибн Моликдан эшитган кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, амалларингиз ўлган яқинларингиз ва қариндошларингизга кўрсатилур. Агар яхши бўлса, улар башорат олурлар. Агар бошқача бўлса: «Аллоҳим, бизни ҳидоят қилганинг каби ҳам ҳидоят қилмай туриб уларни ўлдирмагин», - дейишади».**

*Аҳмад ривоят қилган.*

Демак, вафот этган ота-онамиз ва яқинларимизни ёдлашимиз йилда бир ёки икки марта ёзиладиган дастурхон пайтидагина эмас, ҳар лаҳзада

бўлиши лозим.

Аллоҳ таоло барча фарзандларга ота-оналарига тириклик чоғида барча яхшиликларни қилиб, розилиklarини топиб, дуоларини олишни насиб этсин. Ўтганларидан кейинги ҳақларини ҳам шараф билан адо этишга муяссар қилсин!

**«Бахтиёр оила» китобидан**